



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА,
ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР



•БУГУН— ТАНКЧИЛАР КУНИ •СОВЕТ БРОНЕТАНК ҚУШИНЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

ҲАММА—ПАХТА ТЕРИМИГА!

Қадрли ўртоқлар!

Баҳодир совет халқи ўзининг қаҳрамонона меҳнати билан ер юзидagi энг адолатли, энг бахтли жамият — коммунизмнинг улугвор биносини бунёд қилмоқда. Коммунизмнинг улугвор биноси улуг Ленин партиясининг иродаси ва заковати билан, мамлакатимиз халқларининг кундан-кунга мустақамлаётган дўстлигининг яратувчилик кучи билан, барча қардош республикаларнинг биргаликда қилаётган куч-ғайрати билан қад кўтармоқда.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари бу умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Серкўёш ўлкамиз пахта ва газ, пилла ва рангли металллар, қорақўл тери ва кано, мева ва сабзавот каби беҳисоб бойликлари билан машҳурдир. Бу бойликлар коммунизм қурилишига тобора кўпроқ хизмат қилмоқда.

Халқимиз ифтихор билан «оқ олтин» деб атаган пахта ўзеки ернинг бебаҳо тухфасидир. Пахта — гуруримиз ва шон-шўхратимиздир, фаровонлигимиз ва бахт-саодатимиз манбаи, қардош халқлар билан дўстлигимизнинг тимсоли ва моддий ифодасидир. Пахта етиштиришни кўпайтириш бизнинг олий ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир, бизнинг шон-шараф ишимиздир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида, пахтакорларимиз ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Республикамиз давлатдан энг янги қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар ва бошқа моддий-техника воситаларини тобора кўпроқ миқдорда олмақда. Партияимизнинг XXII съезди мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистоннинг аҳамиятини яна бир бор зўр куч билан таъкидлади. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қишлоқ хўжалигини кескин юксалтиришга қаратилган қарорлари, СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришдан кўпроқ ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори пахтакорларнинг ижодий ташаббусини ошириб юборди, уларни янги меҳнат жасоратига руҳлантирди.

Бу йил қишлоқ меҳнаткашларининг матонатига, мақсадга интилишига қатъиян ва қаҳрамонлигига, меҳнатсеварлигига ва маҳоратига катта имтиҳон йили бўлди. Бу йил табиат жуда қаттиқ инжиқлик қилди. Ёш ғўза ниҳоллари энди сув талаб бўлиб ўсатган кезларда сув етишмай қолди. Мисли кўрилмаган қурғоқчилик устига табиат экинларга гоҳ тандирдек қизгин гармселлар билан, гоҳ ҳалокатли шамоллар билан, гоҳ қатқалоқ, гоҳ ҳашарот билан таҳдид солиб, аҳволни мураккаблаштирди.

Бироқ, пахтакорларнинг ҳеч нарса қўчқотолмади, улар саросимага тушиб қолмадилар, катта синовдан шараф билан ўтдилар. Пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг қардош халқларнинг улкан ёрдами туфайли республикамизда Ватанга камда 3 миллион 650 минг тонна юқори сифатли «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди.

Бу йилги қувончли воқеа шуки, ҳосил ўтган йилдаги нисбатан анча барвақт етилди. Беоён далалимиздаги оппоқ чаноқлар сенсиз-раноксиз юлдузларни эслатади. Улар қалбларимизга қувонч билишмоқда. Ҳосил йиғим-терими суръатини кучайтириш, пахта, тайёрлаш давлат планини биринчи сортлар ҳисобига бажариш ва йиғим-терим ишларини Улуг Октябрь байрамигача тугаллаш учун ҳамма имкониятларимиз бор.

Шу кунларда бутун республикамиз пахта йиғим-терими билан нафас олаётир. Ўзбек пахтасининг катта хирмони учун улкан кураш қизгин тус олмақда. Республикамиз колхозлари ва совхозлари

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ БАРЧА КОЛХОЗЧИЛАРГА, СОВХОЗЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИГА,
МЕХАНИЗАТОРЛАРГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИГА, ШАҲАР ВА ИШЧИ ПОСЁЛКАЛАРИНИНГ
МЕҲНАТКАШЛАРИГА, СТУДЕНТЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАРГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

ҳозирнинг ўзидаёқ Ватан омборига 400 минг тоннадан ортиқ 1-сорт пахта топширдилар. Қисқа вақт ичида ҳеч қачон шунча миқдорда пахта тайёрланмаган эди.

Қаҳшқадарё областининг меҳнаткашлари ана шу курашда пешқадамлик қилмоқдалар. Улар давлат планини ҳозирнинг ўзидаёқ 29,87 процент бажариб қўйдилар ва ҳар кун тайёрлов пунктларига йиллик планининг 2,5 проценти миқдорда пахта топширмоқдалар.

Бухоро областида ҳам пахта ана шундай суръатлар билан тайёрланмоқда. Область пахта тайёрлаш йиллик планини 21,39 процент бажариб қўйди. Сурхондарё, Фарғона, Андижон областлари суръатини дадиллик билан оширмоқдалар.

Звенолар ва бригадалар бирин-кетин маррага етмоқдалар. Чироқчи районидagi «Восход» совхозидан Юсуф Худойбердиев, Ленин районидagi «Правда Востока» колхозидан Абдуллажон Собиров, Гузоров районидagi Ленин номи колхоздан Хайит Хайдаров, шу райондagi Карл Маркс номи колхоздан Турсун Ҳакимов бошлиқ бригадалар ва юзлаб звенолар республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини адо этдилар. Бир қанча колхозлар ва совхозлар план бажарилганлиги ҳақида бугун-эрта рапорт бера бошлайдилар.

Пахта тайёрлаш илғорлариға шон-шарафлар бўлсин! Улар катта меҳнат галабалари учун курашда намуна кўрсатмоқдалар.

Бироқ, умуман республика бўйича пахтани йиғиб-териб олиш ва топшириш суръати ҳали ҳам паст. Кўп хўжалиқлар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаётирлар.

Ўртоқлар, атрофингизга бир назар ташланг: меҳнатга лаёқатли қанчадан-қанча колхозчилар ва совхоз ишчилари ҳосил йиғим-теримида бевосита иштирок этмай юришибди! Кўпгина хўжалиқларда теримчиларнинг меҳнат унуми жуда паст. Ҳар кун 80-100 килограммдан ва ундан ҳам кўпроқ пахта тарафтин теримчилар билан бир қаторда, 20-25 килограммдан тарафтинлар ҳам учрайди. Баъзи жойларда ҳосилни механизмлар билан териб олишга тайёргарлик сўст бормоқда. Ғўза баргини тўктириш учун дори сепиш кечиктирилмоқда. Шундай хўжалиқлар ҳам борки, уларда далалар пахта яхши очилганидан оқ чойшаб ёйғандек бўлиб ётибди, пахта териш машиналари эса бекор турибди.

Бундай ҳолларга мутлақо тоқат қилиб бўлмаслиги очик ва равшан. Катта пахта хирмони учун курашнинг ҳозирги ҳал қилувчи босқинида ҳар бир кун, ҳар бир соат ғанимат эканлигини ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз керак. Йиғим-терим ишларини ҳар қандай йўл билан кечиктириш етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлиш хавфини тугдиради. Биз бунга йўл қўя олаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети барча қишлоқ меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни йиғим-терим ишлари суръатини кучайтиришга чақирадилар. Меҳнатга лаёқатли ҳар бир киши шу кунларда пахта даласида бўлиши, ҳосилни йиғиб-териб олишда бевосита иштирок этиши керак. Пахта учун умумхалқ кура-

шидан ҳеч ким четда қолмасин. Олтин ўтда, одам меҳнатда билинади, — дейилади халқ мақолида. Ғалаба меҳнат билан ва фақат меҳнат билан қўлга киритилади. Ҳар қандай ландаур, лангасаларга, техникхўрларга қарши кескин кураш эълон қилинг! Меҳнат унумдорлигини муттасил ошира бориш, пахта йиғим-терими ишлари суръатини кундан-кунга кучайтириш!

Шаҳарлик дўстлар, ишчи посёлкалари ва район марказларидаги меҳнаткашлар, биз сизларга мурожаат қиламиз! Студентлар ва ўқувчилар, сизларга мурожаат қиламиз! Қадрли дўстлар, ўтган йилларда ўз ватанпарварлик бурчингизни яхши англаганлигингизни кўрсатдингиз, ҳосилни йиғиб-териб олишда пахтакорлар билан ёнма-ён туриб фидокорона меҳнат қилдингиз. Биз шунга заррарча ҳам шубҳа қилмаймизки, сизлар бу йил ҳам ҳосилни йиғиб-териб олишда колхозларимизга, совхозларимизга дўстона ёрдам берасизлар, пахта далаларида меҳнат жасорати намунасини кўрсатасизлар ва шу йўл билан Ўзбекистоннинг катта пахта хирмони учун курашга муносиб ҳисса қўшасизлар.

Шонли ишчилар синфимиз, ажойиб конструкторларимиз қишлоқ меҳнаткашларини мустаҳкам техника билан қуроллантирмоқдалар. Хозир икки ва тўрт қатордаги пахтани тарафтин терим агрегатлари, ажойиб механик подборщиклар, кўрак тарафтин ва чувийдиган, ғўзаюла юладиган машиналар пахтакорларга малалдор бўлмоқда. Ҳозир юксак унумли, бир йўла 8 қатордаги пахтани териб кетадиган терим машинаси яратилмоқда.

Бўларнинг ҳаммаси учун қишлоқ меҳнаткашлари ишчиларимиздан, конструктор ва инженерларимиздан беҳад миннатдорчиликлар. Улар машиналарни севиб қолдилар. Машина — уларнинг қаноти, дўсти. Пахтазорда шу ажойиб машиналар учун кенг йўл очилган. Дала гвардиячилари, шонли механизаторлар Турсун Охунова, Валентин Тюпко, Жавол Қўчиев, Мамажон Дадажонов, Маннон Жалолов, Исхандар Юсупов ва уларнинг кўпалаб издошларининг номлари республикамиздан ташқарида ҳам маълумдир. Улар халқимизнинг фахри, гурури бўлиб қолдилар.

Қадрли механизаторлар, бу йил йиғим-терим ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ. Сизлар зиммангизга юксак мажбурят олдингиз: «зангори кема»лар бункеридан 1 миллион тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилдингиз. Сизларни бу мажбуриятни шараф билан бажаришга чақирамиз. Ҳар бир терим агрегати ишга солинсин! Машиналарнинг тўхтаб туришига йўл қўйманг! Уларнинг иш унумини бутун чоралар билан оширинг! Машинада терилган пахтанинг юқори сифатли бўлиши учун курашингиз!

Колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари, биз сизларга мурожаат қилмоқдамиз. Пахта териш техникаси учун кенг йўл очиб бериш, бутун машина паркиннинг тўхтовсиз ва юксак унум билан ишлаши учун шариот яратиб бериш! Дефоляцияни барвақт тугаллаш, далаларни машина теримига намунали тайёрлаб қўйиш!

Коммунист ва комсомол ўртоқлар, ҳосил йиғим-теримнинг шу қизгин палласида сизнинг зиммангиздаги масъулият жуда юксакдир. Барча колхозчилар ва совхоз ишчилари, барча теримчилар ва механик-хайдовчилар сизларга тенглашмоғи зарур. Ҳосилни йиғиб-териб олишда зўр ғайрат кўрсатинг, ўз ишнинг билан меҳнаткашларини фидокорона меҳнат қилишга руҳлантиринг.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари, колхозларнинг раислари ва совхозларнинг директорлари! Ҳосил йиғим-теримида меҳнатни аниқ ташкил этиш, социалистик мусобақани кенг қўлоб ёйдириш, мусобақа натижаларини пахтакорларга маълум қилиб туриш, илғорларни бутун чоралар билан рағбатлантириш, далада ишлаётганлар учун яхши маданий-маиший шариот яратиб бериш, пахтакорларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш! Шу кунларда ҳар бир бригаданида иссиқ овқат тайёрлашнинг, мелниина ва савдо хизмати яхши ташкил этилган бўлиши, болалар боғча ва ясилари иши яхшиланishi керак. Дала шийонлари оммавий-сиёсий ва маданий оқартув ишларининг ҳақиқий ўчоғи, теримчилар ва механик-хайдовчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказадиган жой бўлиб қолсин.

Тайёрлов тармоқларининг ходимлари, пахта йиғим-терим кампаниясининг муваффақияти кўп жиҳатдан сизларга, сизлар пахтани қабул қилиб олишни қанчалик оқилона ташкил этишларингизга боғлиқдир. Пахта орган транспортнинг тайёрлов пунктлари дарвозаси олдида, бунглар олдида пахтани тушириш вақтида тўпланиб қолишга йўл қўйманг! Тайёрлов пунктларининг аниқ ишлашини, пахтани ўз вақтида куришиб, тозаланишини ва сақлашини таъминланг!

Матбуот, радио ва телевидение ҳамда маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари, адабиёт ва санъат арбоблари, пропагандистлар ва агитаторлар, Ўзбекистоннинг катта пахта хирмони учун курашга актив қўшилиш, меҳнат коллективларининг ҳаётига чуқурроқ кириб бориш, илғорларни ва новаторларни шарафлангиз, уларнинг тажрибасини кенг омалаштирингиз, уларнинг меҳнатги жасорати, улугворлигини қуйлангиз.

Азиз ўртоқлар!

Мамлакатимизга кўп пахта, аъло сифатли пахта керак. Пахтани кўз қорачиқдек сақланг, унинг нобуд бўлишига йўл қўйманг. Бу бебаҳо халқ бойлигининг ҳар бир граммининг қадрига етинг. Шунинг эста тутингки, томчилардан денгиз ҳосил бўлгандек, пахта торлари ҳам граммлардан қад кўтарали. Чаноқларда бир чигит пахтанинг қолиб кетишига ҳам йўл қўйманг, ташини вақтида пахта йўлларга тўкилмасин, уни ерга топтаманг. Пахтани молга пайхон қилдирувчиларга қарши шафқатсиз курашинг. Ҳосил минглаб ва ўнг минглаб кишиларнинг қаҳрамонона меҳнати билан етиштирилган. Шундай экан, у сира нобуд қилмай йиғиб-териб олишини ва давлатга топширилиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети умумдавлат маффаатларини чуқур англаб етган, уларнинг интернационал бурчларига солиқликларини кўп марта кўрсатган республикамиз меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатадилар, ҳосил йиғим-теримини тезроқ тугаллаш ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашга бутун кучларини, бутун ғайратларини сарфлайдилар, Улуг Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллигини муносиб қутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Ҳамма — пахта теримига, азиз дўстлар!

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети

Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиуми

Ўзбекистон ССР
Министрлар Совети

СОВЕТ—РУМИНИЯ АХБОРОТИ ИМЗОЛАНДИ

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ

БУЙРУҒИ

1965 йил 12 СЕНТАБРЬ

№ 252.

МОСКВА ШАҲРИ

10 сентябрда Кремлда Руминия Социалистик Республикаси партия-хукумат делегациясининг Совет Иттифоқидagi бўлиши тўғрисида совет — румин ахбороти имзолаш маросими бўлди.

Ахборотни Совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, Руминия томонидан Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Николае Чаушеску ҳамда Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети Иккинчи секретари Димитрие Димитриу аъзоси, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ион Георге Маурер имзолادилар. (ТАСС).

Социалистик Руминия делегацияси Москвадан жўнаб кетди

Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Николае Чаушеску бошчилигида расмий визит билан СССР-да меҳмон бўлиб турган Руминия Социалистик Республикасининг партия-хукумат делегацияси 11 сентябрда Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Иккала мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган «Внуково-1» аэропортида румин дўстлари Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Н. Ше-

лепин, П. Н. Демичев, Ю. В. Андропов ва бошқа совет раҳбарлари кузатиб қўйдилар.

Аэропортда Москва гарнизони ўқиниларининг фахрий чорувли саф тортиб турди ҳамда Руминия ва Совет Иттифоқи давлат гимнлари ижро қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Николае Чаушеску нутқ сўзладилар. (ТАСС).

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Танк саноатида ишлаётган ишчи, инженер ва техник ўртоқлар!

Танк қўшинларининг запасдаги ва отставкадаги ветеранлари!

Бугун совет халқи ва унинг шавкатли Куролли Кучлари Танкчилар кўнини байрам қиладилар, шонли танк қўшинларининг ва дахшат солувчи жанговар машиналарни яратиб бераётган танк-солдатларининг чуқур муҳаббат билан шарафлайдилар.

Коммунистик партия раҳбарлигида Совет Иттифоқи меҳнаткашлари коммунистик куранининг буюм Программасини зўр бериб амалга оширмоқдалар, етти йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун фидокорона курашмоқдалар.

Шу билан бирга партия ва хукуматимиз уруш оловини ёнатиш империалистларнинг ўтмиш сабоқларини назар-эътиборга ола-май, халқаро вазиетни кескинлаштираётганлигини, нетанкет илгогаринлар қилаётганлигини

ларини ҳисобга олмақдалар. Бундай шариотда Совет давлати бутун дунёда тинчлик ишни химол қилиб, мамлакатнинг мудофая қобилиятини оширомоқ. Армия ва Флотини мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрмоқда. Америка империалисти социалистик мамлакатлар ва бошқа тинчликсевар мамлакатларга қарши агрессия ҳаракатлар ва хурунлар қилмоқда. Шу сабабли совет танкчилари СССР Куролли Кучларининг барча жангчилари каби бундан буён ҳам юксак даражада ҳушёрлик кўрсатишлари, ҳар қандай агрессорни емириб ташлашга қийинлашай бўлиб туришлари лозим.

Сизларни умумхалқ байрами — Танкчилар кўни билан табриқлайман ва нутлайман. Танк қўшинларининг бутун шайсий составига ўзларининг ҳарбий маҳоратларини такомиллаштиришда, ўзларининг сиёсий билимларини, қисмлар ва қўшилмаларнинг жанговарлик қобилиятини оширишда.

ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда янги муваффақиятлар тилайман.

Танк саноатининг ҳамма ходимларига энг замонавий биринчи даражали бронетанк техникасини яратишда янги муваффақиятлар тилайман.

Танкчилар кўнини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН!

Бугун, 12 сентябрда маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — Москвада, иттифодор республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлари: Ленинград, Волгоград, Севастополь ва Одессада тўпалардан бир йўла йиғирма марта ўн узиб, салот берилсин.

Яшасин коммунизм кураётган улуг совет халқи! Яшасин совет Куролли Кучлари ва уларнинг шонли танк қўшинлари! Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР мудофая министри
Совет Иттифоқи Маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.



Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планига нисбатан процент ҳисобида; биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан; тўртинчи стун — дефоляция қилинган майдонлар)

	Қаҳшқадарё	2,36	29,87	39,85
Бухоро	2,54	21,39	15,63	
Сурхондарё	1,89	13,94	30,93	
Фарғона	2,11	13,65	21,08	
Андижон	1,53	10,40	9,62	
Тошкент	1,37	6,96	58,81	
Самарқанд	1,28	5,77	12,58	
Қорақалпоғистон АССР	0,93	4,15	34,76	
Хоразм	0,91	3,98	20,40	
Сирдарё	0,36	1,52	33,30	

